

Истеъдодли ўзбек шоирларидан бири Омон Матжон 1943 йили Хоразм вилоятининг Гурлан туманида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатиб, Самарканд Давлат дорилфунунида тахсил олади. Шўро армиясида хизмат этади. 1969—1980 йиллар мобайнида у Гафур Гулом помли Адабиёт ва санъат нашриётида бўлим бошлиги бўлиб хизмат этади. Сўнгра “Ёшлик” ойномасида бош мухаррир бўлиб ишлайди. Хозирги кунда у Ресублика Президенти девонида масъул вазифани адо этиб келмоқда.

Омон Матжон 60-йиллардан бошлаб матбуотда ўз шеърлари билан кўрина бошлайди. Кейинчалик шоирнинг энг яхши шеърлари унинг «Очик деразалар» (1970) «Карвон кўнгируги» (1973), «Ёнаётган дарахт» (1977) «Ярадор чакмок» (1979), «Хаккуш кичкируги» (1979) «Сени яхши кўраман» (1983), «Гаплашадиган вақтлар» (1986) каби тўпламлардан муносиб ўрин олди. Хусусан «Сени яхши кўраман» тўпламига айрим мухаббат хакидаги шеърлари каторида аввалги санаб ўтилган мажмуаларидаги энг яхши асарлари сайлаб олинган. Шунга кўра мазкур шеърини тўпламни шоирнинг кичик «Танланган асарлари» деса ҳам бўлади. Тўпламлардаги «Аму», «Ойбек», «Шуълалардан хайратланиш», «Она деган сўз», «Турналар», «Мезон», «Чорлов», «Ўн учинчи эшик» «Умримиз хакида» каби шеърлари хозирги ўзбек поезияси хазинасидан муносиб ўрин эгаллайди. Бинобарин, шоир шеърини инсон калбининг турфа кечинмалари ва жилоларини ранг-баранг ташбеҳларда, жозибали образларда ифодалайди.

Омон Матжон ижодида унинг «Чўлдагилар» номли дoston-хроникаси, айникса, «Гаплашадиган вақтлар» номли шеърини кассаси алоҳида ўрин эгаллайди. Унда шоир кайд этганидек, асарнинг янгича шакли, оханги китобхон эътиборини тортади. Колаверса, кассада юксак инсоний эътикод, маънавият ва кадринлар хакида жонли бахслар давом этади. Хусусан, хар кандай киргин урушлар, зулмининг хар кандай кўриниши лаънатланади. Яна мухими, унда мухаббат тасвири асарга, характерларга янгича рух, янгича файз багишлайди. Шуларнинг хаммаси шоир камолатига хизмат этади, китобхон билан муносабатини янада мустахамлайди.

Омон Матжон таржимон сифатида кардош ва чет эллар адабиётларидан кўплаб асарларни ўз она тилига махорат билан агдара олган. Хусусан, Ф.Шиллер, Ш.Боддер каби жахон классикларидан килган таржималари эътиборга лойикдир. У адабиёт олдидаги ана шундай самарали хиссаси учун Ёшлар мукофоти, Хамза номидаги Республика Давлат мукофоти совриндори бўлган.

Ха, халк шоири (1993) айтгандай:

«... бошка жуда мухим гап хам айтилмокчидай, жуда мухим, жуда янги... гаплашадиган» вақтлар келишига яна бир бор ишонса бўлади.